

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 19 август чоршанба

Сотувда эркин нархда № 165 (1946)


*Олий Мажлис сессияси олдидан*

## ШАРТНОМА МАДАНИЯТИ

### УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ ЯРАТИЛАДИ

***Жамият мувозанатини таъминловчи асосий воситалардан бири қонундир. Агар эътибор берсангиз, кейинги пайтда «ҳуқуқий маданият», «шартнома маданияти» каби иборалар пайдо бўлди. Табиийки, у бугунги кунда бизга нима учун керак, деган саволлар туғилади. Бугун биз чинакам ҳуқуқий, демократик давлат, фуқаролик жамияти қурмоқдамиз. Бундай давлат ва жамият ўз-ўзидан, бирданига пайдо бўлмайди: унга босқичма-босқич эришилади.***

Ҳуқуқий маданият, шартнома маданияти каби тушунчаларни ана шундай давлат ва жамиятни бунёд этишнинг асосий тамойилларидан бири деб аташ мумкин. Шу боис Олий Мажлис бу борада бир қанча ҳуқуқий асос — қонун ва дастурларни тасдиқлади. Улар бугунги кунда барча соҳаларда амал қилмоқда. Бу, албатта, узлуксиз бир-бирини тўлдириб борадиган жараёндир. Яқинда ўз ишини бошлайдиган биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясини мазмун ва мундарижа жиҳатидан ҳам аввалгиларининг мантиқий давоми, деб айтиш мумкин.

Сессия кун тартибига бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик жамиятнинг пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган талай қонун лойиҳалари киритилган. Мен уларнинг ҳаммасини ҳам муҳим ва зарур, деб биламан. Чунки бири жамиятнинг иқтисодий имкониятларини оширишга хизмат қилса, иккинчиси ернинг ҳолатини баҳолаш ва яхшилашга, яна бири эса миллий-маданий бойликларимизни асраш, эъзозлашга замин яратади.

Мен бу ўринда сессия кун тартибидан ўрин олган «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартнома ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг моҳияти ҳақида тўхталмоқчиман. Мазкур қонун жамиятимизда шартнома муносабатларини шакллантириш, уни маданият даражасига кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиз, деб ўйлайман. Бозор иқтисодиётида шартнома асосий ўрин тутади. У шунингдек жамиятдаги тараққиёт ва бозор муносабатларини шакллантиришдаги асосий воситалардан бири ҳамдир. Зеро, лойиҳанинг жамоатчилик муҳокамасига тақдим қилиниши ҳам бежиз эмас.

Халқимизда «лафз» деган сўз бор. «Лафз» одатда муқаддас саналади. Уни ҳатто қасам билан ҳам тенглаштиришади. «Лафз қилдингми, бажар» деган ибора ҳам шундан келиб чиққан. Содда қилиб айтганда, шартнома ана шу «лафз»нинг қонунлаштирилган, ҳужжатлаштирилган шаклидир.

Шартнома томонларнинг зиммасига нафақат мажбурият, балки катта масъулият ҳам юклайди. Шартнома тузган корхона ўз фаолиятини ана шундай шартномалар асосида ташкил қилади. У жорий йилда кимга қанча маҳсулот етиштириб беришини олдиндан аниқ билади. Харидори бор, демак, кўнгли тўқ. Харидор томон ҳам агар буюрган маҳсулотини ўз вақтида олмаса қўшимча тўлов тўлаши ва бу унга зарар бўлишини англайди. Томонларда қонун воситасида ҳам мажбурият, ҳам масъулият ҳисси пайдо бўлади, шаклланади ва бу аста-секин табиий жараёнга айланади. Ана шунда корхона ишлаб чиқарган маҳсулот омборларда тахланиб ёки чириб ётмайди. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартнома ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун, аввало, жамиятни бозор иқтисодиёти талабига ёт бўлган иллатлардан тозалайди. Фойдали, зарур маҳсулотларни ишлаб чиқаришга имконият яратади, хизмат маданиятини оширади. Бозор иқтисодиётига асосланган кўплаб ривожланган мамлакатларда барча муносабатлар шартнома асосига қурилган. Демак, шартнома муносабатлари табиий жараён бўлиб, мамлакат тараққиётига хизмат қилади.

Мен шу ўринда жамиятимизда шартнома муносабатларини шакллантиришда раҳбарларнинг тутган ўрни, масъулиятини ҳам алоҳида таъкидламоқчи эдим. Қонун лойиҳасида масаланинг ана шу жиҳати ҳам назардан четда қолмаган. Унга мувофиқ шартнома мажбуриятларини бажаришда раҳбар ҳам масъулиятли, ҳам жавобгар шахсдир. Бу табиийки, шартнома муносабатларини шакллантиришда асосий воситалардан бири сифатида хизмат қилади. Булар аста-секин жамиятда шартнома маданиятини шакллантиришда ҳуқуқий асос бўлади. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартнома ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ана шу жиҳати билан ҳам характерли ва ғоят аҳамиятлидир.

**Муроджон УМАРОВ,**
**66-Ғиждувон сайлов округидан депутат.**



*Наманган шаҳридаги «Силк роад» ўзбек-япон қўшма корхонасининг иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. У ипак чиқиндиларини қайта ишлашга ихтисослашган ва асосан хорижга экспорт қилади. Яқинда бу ердан дастлабки маҳсулот туркуми Кунчиқар мамлакат — Японияга жўнатилди.*

**СУРАТЛАРДА:** ишлаб-чиқариш жараёни; цех бошлиғи Р. Абдуллажонов ишчилар М. Мўйдинова ва Х. Нормирзаева билан.

**Н. ЭРГАШЕВ (ЎзА) сурати.**



*Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги олдидан*

## ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ЙИҒИЛИШИ

Буюк муҳаддис Исмоил ал-Бухорий зиёратгоҳи жойлашган Челак туманидаги Ҳартанг қишлоғини бугунги кунда улкан қурилиш майдонига қиёслаш мумкин. Аллома таваллудининг 1225 йиллиги муносабати билан бу ерда миллий меъморлигимиз анъаналарини ўзида мужассамлаштирган улкан ёдгорлик мажмуи бунёд этилмоқда. Самарқанддаги махсус ишлаб чиқариш бошқармаси, «Самарқандкимёқурилиш», вилоят жамоалараро қурилиш трестлари, фирмалар, кичик корхоналар меҳнаткашларининг қўли-қўлига тегмайди. Мажмуани тиклаш, уни безашда самарқандликлар билан бир қаторда, барча вилоятлардан ва хориждан моҳир усталар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошчилигидаги юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита аъзолари мажмуада олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Усталар ва бинокорлар билан суҳбатда Президентимиз Ислом Каримов бу ерга ташриф буюрган чоғида мажмуага шарқона кўрк ва тароват бағишлаш, темир-бетонларни камроқ ишлатиб, уни миллий анъаналарга мос қадамжога айлантириш борасидаги фикр-мулоҳаза ва таклифлари қандай бажарилаётганига алоҳида эътибор берилди. Бу борада ҳозирдаёқ муайян ишлар амалга оширилганини қайд этиш билан бирга, йўл қўйилган айрим нуқсонлар кўрсатиб ўтилди. Тегишли вазирлик, концерн, ташкилотлар раҳбарларининг ахборотлари тингланиб, бажарилиши зарур бўлган ишларнинг аниқ муддатлари белгиланди.

Тадбирда Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев, Самарқанд вилояти ҳокими А. Мардиев қатнашди.

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Айём арафасида*

**Йозеф МАЧИШАК:**

## “ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИКДАН МАНФААТДОРМИЗ”

***Мамлакатимиз мустақиллигининг етти йиллик тўйига ҳам саноқли кунлар қолди. Ушбу қутлуғ айём арафасида республика оммавий ахборот воситалари мухбирлари мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатия ваколатхоналари, хорижий фирма ва компания вакиллари билан учрашиб, мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар борасида уларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқишмоқда. ЎзА мухбири Словакия Республикасининг мамлакатимиздаги Муваққат ишлари вакили Йозеф Мачишак билан мулоқоти ҳам шу мавзуда бўлди.***

**— Тажрибали сиёсатчи, қолаверса, холис бир кузатувчи сифатида Ўзбекистон тараққиёт йўли ҳақида нималар дея оласиз?**

— Мен қарийб уч йилдан бери мамлакатингизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳалардаги ислоҳотлар ҳамда жамиятингизда юз бераётган маънавий янгиланиш жараёнининг гувоҳиман.

Аввало, шуни таъкидламоқчиманки, Ўзбекистон фуқаролари ўз мамлакати билан фахрланса арзийди. Ушбу ўринда мен Ўзбекистоннинг иқтисодий қудратидан ҳам кўра, маънавий салоҳияти ҳақида алоҳида тўхталишни истардим. Ўзбекистон каби узоқ ўтмиш, юксак интеллектуал салоҳият, бой тарихий меросга эга мамлакат дунёда жуда кам.

Бугунги кунда яна бир ҳолни юқори баҳолаш мумкин. Яъни, Ўзбекистонда мустақилликни мустаҳкамловчи, жамиятни ривожлантирувчи муҳим омил — тинчлик ва барқарорлик мавжуд.Теварак атрофда кечаётган воқеаларга назар ташлаб айтиш жоизки, бу ҳам Ўзбекистоннинг беқиёс ютуғидир. Юртингиз осойишталигидан эса нафақат сиз, балки Ўзбекистонга дўст, у билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга хайрихоҳ давлатлар қатори, биз ҳам манфаатдормиз.

Мамлакатингиз ўзининг тарихий давлатчилик тажрибасига эга. Айни шу омил унинг халқаро доирада ўз ўрнини тезда эгаллашига сабаб бўлди. Ўзбекистонда ўтказилаётган ислоҳотларга келсак, улар энг аввало, одамлар манфаати учун хизмат қилаётганини бугун барча кўриб турибди. Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли ҳам ҳуқуқий, ҳам тарихий, ҳам иқтисодий, ҳам миллий асосга эга. Хусусан, Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойили ўзини ҳар томонлама оқлаётир. Амалий иш жараёнида уларнинг тўғри эканини ҳаётда ўз тасдиғини топмоқда.

**— Ўзбекистон билан Словакия ўртасидаги алоқалар, уларнинг истиқболи ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар узоқ ўтмишга бориб тақалади. Икки томонлама алоқалар давлатларимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин янгича тус олди.

1995 йили мамлакатингизга Словакия Бош вазири ўринбосари Сергей Козлик бошчилигидаги ҳукумат вакиллари ва бир гуруҳ ишбилармонлар ташриф буюрди. Ўшанда Ўзбекистон билан Словакия ҳукуматлари ўртасида сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, савдо-иқтисодий ҳамда илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон ва Словакия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида қўшма бизнес-семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1997 йил январ ойида Словакия Республикасига расмий ташрифи икки томонлама манфаатли алоқаларни янада ривожлантиришда муҳим амалий аҳамият касб этди. Ташриф асносида имзоланган икки мамлакат ўртасида ўзаро муносабатлар асослари ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бош тамойилларини белгилаб берди.

Мамнуният билан таъкидлашни истардимки, ўзаро борди-келди, учрашувлар, шартномалар ўз мевасини бермоқда. Бугунги кунда мамлакатингизда Словакиянинг “Матадор”, “Словакофарма”, “Хирана”, “Нимекс”, “Сима”, “ОТФ”, “Кераметал”, “Технопол”, “ЦЕБО” каби фирма ҳамда корхоналари ҳамкорликда иш бошлаб юборган.

Шу кунларда эса Тошкент, Самарқанд, Андижон ва Марғилонда ўзбек-словак янги қўшма корхоналари тузиш борасида икки томонлама музокаралар ниҳоясига етай деб қолди.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини қутлуғ байрам билан самимий муборакбод этаман. Буюк давлат барпо этишда Ўзбекистон халқига матонат, куч-қувват тилайман. Тинчлик ва барқарорлик доимий ҳамроҳингиз бўлсин.

**Суҳбатдош: Алишер ҲАСАНОВ.**

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 7 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

## ЭНГ СЕВИМЛИ БАЙРАМ

***Бугун барча вилоятларда бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам халқимизнинг энг севимли, орзиқиб кутадиган байрамларидан бири — Мустақиллик кунига қизғин тараддуд кўриляпти. Мухбиримиз катта тантанага тайёргарлик ишлари ҳақида мутасаддилар билан суҳбатлашди.***

**Муҳаммадсоли ЮСУПОВ, вилоят марказида бўлиб ўтадиган байрам тантаналарининг бош режиссёри:**

— Шарқ халқларининг қадимий анъаналаридан келиб чиққан ҳолда вилоят марказида ўтказиладиган байрам тантаналарини мажозий маънода «Етти иқлим гавҳарисан – Фарғона», деб атадик. «Фарғона» марказий ўйингоҳи байрам тантаналарининг асосий марказига айланади. Беш қисмдан иборат адабий-бадиий, тарихий-воқеавий, мусиқавий-композицион томошалар ҳар йилгидан ўзгача бўлишига алоҳида эътибор берилади.

Шуниси қувончлики, бу йилги байрам фарғоналиклар ҳаётида унутилмас из қолдиради. Чунки байрам юртимизнинг аллома фарзанди буюк мутафаккир Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик тантаналарига уланиб кетади.

Шунинг учун ҳам байрам сценарийсига улуғ олимнинг етти иқлим ҳақидаги машҳур асари асос қилиб олинди. Шартли равишда фарғоналикларни буюк бобомиз асаридан келиб чиққан етти иқлимнинг элчилари табриклашади. Етти сайёранинг ҳар бирини ўраб олган юздан зиёд юлдузлардек болакайлар бутун кўриниш давомида саҳнани тарк этишмайди. Бу йил байрам тантаналаридаги барча қўшиқлар, рақслар, шеърлар, бадиҳаларни янгидан тайёрлашга алоҳида эътибор бердик. Ушбу шодиёналарда «Ўзбекистон – Ватаним маним» қўшиқ танловига тавсия қилинган асарлар ҳам янграйди.

Тантаналарнинг бадиий қисмида вилоят марказидаги ижодий коллективлар, санъаткорлар иштирок этибгина қолмай, вилоятдаги ҳар бир шаҳар, ҳар бир туман санъаткорлари ҳам ўз маҳоратларини намойиш этишади. Биз мамлакатимизнинг буюк келажаги, эришган оламшумул муваффақиятларини элу юртга кўрсатишга, тараннум этишга алоҳида урғу бераяпмиз.

Халқимизнинг унутилиб борилаётган қўшиқлари, термалари, лапарлари ҳам алоҳида муҳаббат билан томошабинлар эътиборга ҳавола этилади.

**Алижон МЎМИНОВ, Фарғона шаҳар ҳокими:**

– Бу йилги тантаналар улуғ бобомиз Аҳмад ал-Фарғоний тўйига уйғунлашиб кетгани зиммамизга янада масъулият юклайди. Айни кунларда буюк аллома номи билан аталадиган марказий истироҳат боғида улкан ҳажмда бунёдкорлик ишлари олиб борилаяпти. Юртбошимиз бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан танишиб, қимматли маслаҳатлар, йўл-йўриқлар берган эдилар. Ҳозир асосий ишларни якунлаб, истироҳат боғи ва унга туташ бобомиз номи билан аталадиган шоҳкўчада халқимизнинг энг севимли байрамига тайёргарлик ишларини якунлаш арафасидамиз.

Халқимизда тўйга тўёна билан бориш одат тусига кириб қолган. Бу йил байрам тантаналарида шаҳарнинг кўча ва хиёбонлари, боғ-роғларида мустақиллик шарафига ўтказилган 70 минг тупдан зиёд гул кўчатлари шодиёналарга файз, шукуҳ бағишлайди. Байрам тантаналарини истиқлолимиз билан тенгдош, бу йил биринчи марта мактаб остонасига қадам қўядиган жажжи болакайлар бошлаб беришади. Шу муносабат билан «Истиқлол тенгдошлари» деган махсус кеча ўтказишни ҳам режалаштирганмиз. Кечада етти йилликда етти ёшини нишонлаётганларга ўқув қуроллари, байрам совғалари топширилади.

Илгарилари байрам асосан шаҳар марказида ўтказиларди. Энди биз бу байрамнинг бир қисмини ўттиздан зиёд маҳалла гузарларига кўчирмоқчимиз. Бу гузарларда шаҳар атрофидаги фермерлар, деҳқон хўжаликлари ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар билан шаҳар аҳолисини сийлашади.

**Аҳаджон АҲМЕДОВ, вилоят ҳокимининг ўринбосари:**

– Ҳар йили қутлуғ байрам арафасида кўплаб турар жой бинолари, мактаблар, маданий объектларни қуриб фойдаланишга топшириш яхши анъанага айланиб бормоқда. Бу йил ҳам байрам кунлари етмишга яқин турли хил иншоотлар фойдаланишга топширилади. «ЎзДЭУ текстил» компаниясининг Охунбобоев туманида қурилаётган корхонаси бош иншооти, Фарғона механика корхонаси қошидаги Асакада ишлаб чиқарилаётган автомобилларга ғилдирак чамбаракларини тайёрлаб берадиган цех, Бувайда, Данғара, Тошлоқ туманларидаги мактаб бинолари, қатор қишлоқ врачлик пунктлари, маиший хизмат, савдо масканлари шулар жумласидандир. Жами 5500 ўринли мактаб, 2000 ўринли болалар боғчалари, мингдан зиёд беморларга хизмат қиладиган амбулатория ва касалхоналар, 62 минг кв. метр уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилади. 40 километрдан зиёд ичимлик суви, 100 километр табиий газ қувурлари фойдаланишга топширилиши қишлоқларга ободончилик олиб киради.

**Асқарали РАҲМОНАЛИЕВ, Қувасой шаҳар ҳокими:**

– Индустриал шаҳримиз айни кунларда байрам руҳи, шукуҳи билан яшаб, меҳнат қилаяпти. Байрам муносабати билан ўтказилган «Энг тоза маҳалла», «Энг обод кўча», «Энг намунали оила» кўрик танловлари ниҳоясига етказилди. Тозалик ва ободонлаштириш икки ойлигида иштирок этмаган бирор бир ташкилот, корхона, хонадон қолмади, десак муболаға бўлмайди.

Ҳар йили байрам арафасида кам таъминланган оилалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар, кексалар ҳолидан хабар олиш, байрам билан муборакбод этиш, хайрли анъанага айланиб қолди. Ҳозирдан хайрия ишларини бошлаб юбордик. «Қувасой цемент» ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилиб, қарилик нафақасига чиққан меҳнат фахрийларининг ҳар бирига пул мукофоти тарқатилади. «Кварц» ҳиссадорлик жамиятида эса байрам совғалари билан бирга озиқ-овқат маҳсулотлари улашилади.

Шунингдек, байрам арафасида қишлоқлар ва маҳаллаларга 6,2 километр табиий газ, 7,4 километр ичимлик суви қувурлари ётқизилади. 333 кв. метрдаги савдо, 125 кв. метрдаги умумий овқатланиш корхоналари байрам кунлари иш бошлайди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЮРТИМИЗНИНГ БИР КУНИ



### АНДИЖОНДА ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

*«Маз» ўзбек-италия қўшма корхонаси атрофдаги уч-тўртта туман сабзавоткорларининг узоғини яқин қиладиган бўлди. Илгари деҳқонлар етиштирилган помидор ҳосилини тайёрлов идораларига топшириш учун икки-уч кунлаб навбат кутиб қолишарди. Янги корхона ана шу муаммога чек қўйди. Келтирилган маҳсулот пешма-пеш қабул қилиниб, қайта ишланаяпти. Тайёрланган томат пастаси савдо тармоқларига жўнатилмоқда.*

### ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ-ДА

*Гуруч заводи мутахассислари икки-уч йилдан буён тушган даромаднинг бир қисмини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлашни режалаштарди-ю, бироқ имкон бўлмай бу иш рўёбга чиқмасди. Яқинда орзу амалга ошди. Тежалган маблағ ҳисобига Швейцариядан чоғроқ ун тегирмони ва сутни қайта ишлайдиган ускуналар келтириб ўрнатилди. Энди музрободликлар ун ва сут маҳсулотларини ҳам қўшни туманлар ва вилоятдан келтиришмайдиган бўлишди.*

**Хабарларни «Халқ сўзи» мухбири И. ТОШЕВ тайёрлади.**

## ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

“Жаннат” фирмасида ичимлик сувни зарарсизлантирувчи суюқ хлор — натрий гипохлорид эритмасини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Илгари хориждан келтириладиган бу эритма андижонлик олимлар ва мутахассисларнинг беш йил давомида олиб борган илмий изланиши натижаси бўлди. Натрий гипохлорид асосан ичимлик сувни турли хил микроблардан тозалаш, юқумли касаллик билан оғриган беморлар фойдаланган идиш ва буюмларни, даволаш ва болалар муассасаларини, мактабларни, умумий овқатланиш тармоқлари ва жамоа жойларини дезинфекциялашда қўлланилади. Эритманинг афзаллиги шундаки, бу ҳозир фойдаланилаётганига қараганда узоқроқ таъсир этади.

Янги маҳсулот учун ҳозирдаёқ ўнлаб ташкилотлардан буюртма олинди.

**К. НИЗОМОВ,**
**ЎзА мухбири.**
**Андижон вилояти.**

УШБУ СОНДА:


ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАНИШИ – ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ МУҚАДДАС НЕЪМАТИ

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАЁТИ

ЭНГ МУҲИМИ – МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК

2-бет

БУ БИР БУЮК САОДАТ ЭРУР...

ЖАМИЯТ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ

МАҲАЛЛА – ТАРБИЯ МАСКАНИ

3-бет

НОШИРЧИЛИК

ТУҒАНМАС БОЙЛИК

Санъат

ҲАЙРАТДАН ЯРАЛГАН ГЎЗАЛЛИК

4-бет




# БУ БИР БУЮК САОДАТ ЭРУР...

Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларимиз бир кекса муаллимимиз бўлгувчи эди. Ўқтин-ўқтин дарс орасида "Сизларга ҳавасим келади. Ҳали биз кўрмаган замонларни кўрасизлар" деб қўярди.

Ўшандан бери орадан жуда кўп йиллар ўтди...

Ҳали бола эдик. Сафга тизилиб "Партияга минг раҳмат" деган ашулалар айтардик.- Бизга Павлик Морозов ва Володя Дубинин деган болаларнинг "қаҳрамонликлари-ю,"ёш гвардия"чиларнинг "ўлмас жасорати" ҳақида ҳаяжон билан ҳикоя қилиб берардилар.Биз "Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси"-ни,"Совет паспорти ҳақидаги шеър"ларни ёд олардик.

Бизни ана шундай руҳда тарбиялашга, "боболарнинг муносиб набиралари" қилиб ўстиришга уринардилар.

Бироқ, биз жиндек "қулоқсизроқ" эдик. "Хор" бўлиб ашула айтишдан қочардик. Шеърларнинг ҳаммасини ҳам ёдлайвермасдик. Чунки, ҳали бола эдик-да! Ташқарида бизни болалик кутарди, чиллагу варраклар, ёнғоқу коптоклар ўзига чорлаб турарди...

Мана,бугун энди шулар ҳақида кўп ўйлайман.Балки,ўша кезлари дарсдан қочиб Бўзсув бўйларида ўйнаб юрганларимиз,кўча чангитиб тўп сурганларимиз,зерикарли дарслару дарсликлар ўрнига "Робинзон Крузонинг саргузаштлари" ва "Одам-амфибия" сингари китобларни ўқиганларимиз тўғри бўлган экан-да,дея ўйлаб қоламан.

Сабаби, ўша "қулоқсиз" ва "тўполончи" болалик ўртоқларим орасидан режиссёр, шоир, актёр, рассом, фалакиётчи, тадбиркор одамлар етишиб чиқишди. Ким билсин, балки ўша "қайсарлигимиз", "ўжарлигимиз" бўлмаганда кимлар бўлиб етишар эдик?

Шу маънода, мен бугунги ёшларга, хусусан, ўрта мактаб, коллеж, лицей ва гимназия ўқувчиларига ҳавасим келади. Йўқ, бу энди бутунлай бошқача ҳавас, у қачонлардир кекса муаллимнинг олис болалик кўчаларида қолиб кетган, ўзи ҳам ишониб-ишонмай қилган "ҳаваси" эмас. У бўлакча!

Мустақиллик том маънода ўзбек халқига Саодат эшикларини очиб берди,Ўзбекистоннинг буюк имкониятларга эга мамлакат эканлигини бутун дунёга намойиш этди,унинг келажаги янада порлоқ эканлигини исботлади.

Ҳақиқатдан ҳам, Истиқлол даврида улғаяётган,шу йилларда дунёга келган, ҳарф таниган авлодга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди, киши.

Чунки, ҳеч ким улардан Володя Ульяновнинг таржимаи ҳолини сўрамайди, Горькийнинг "Она" романидаги Павел Власов образи ҳақида иншо ёздирмайди...

Энди улар илгари биз,қўйингчи,ота-боболаримиз хаёлига ҳам келтиролмаган Замахшарий ва Нақшбанд, Имом Бухорий ва Яссавий ижодини ўрганадилар,Амир Темур ва Ибн-Сино, ал-Хоразмий ва Улуғбек ҳаёти билан яқиндан танишадилар, илгари биз тушимизда ҳам кўрмаган Чўлпон ва Усмон Носир шеърларини ёд оладилар.

Ажиб бир мантиқ. Яқин ўтмишда ота-оналар маҳрум бўлган бебаҳо маънавий бойликлардан бугун фарзандлару невара-чеваралар баҳраманд бўлиб турсалар! "Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ" деганлари шумикан? Ёки боболаримизнинг "Орқамда қолгин, болам. Биз кўрмаганларни кўриш сизларга насиб этсин " деганларими бу?

Ҳар ҳолда, бугунги ёш авлодга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.

Чунончи, улар XXI аср кишилари бўладилар. Улар ҳозирданоқ дунёвий тараққиёт омилларидан, Истиқлол туфайли вужудга келган кенг имкониятлардан баҳраманд бўла бошладилар.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов раҳбарлигидаги ҳукуматимиз олиб бораётган улкан ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ҳам, мустақил мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига дадил қадамлар билан пешвоз чиқиб бораётгани ҳам, аслида, айнан шунга, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилашга, қисқаси, Ўзбекнинг ўзига беклигини етти иқлимга танитишга йўналтирилгани ҳеч кимга сир эмас.

Қайси куни оқшом пайти ғалати бир ҳолатни туйдим.

Телевизор томоша қилиб ўтирардим.Сухандон қиз дунё янгиликларию хабарлари билан таништирарканман, экранда гоҳ аллақайси мамлакатдаги тўс-тўполонлар, иш ташлашлару қўпорувчиликлар, аллақайси шаҳардаги маза-бемаза,бачкана тадбирлару бошқалар ҳақидаги қайғули ва кулгили тасвирлар рўпарамда ялт-юлт қилиб алмашиниб турарди. Шу пайт қўшни маҳалла тарафдан карнай-сурнай товушларию,ноғоранинг такатуми қулоққа чалинди-ю хаёлим бўлинди.- Кейин "ойнаи жаҳон"даги турфа гап-сўзлару, қўшни маҳалладаги тўй шодиёнасига, кўчамиздаги болаларнинг тўп тепиб қийқирашаётганлари қоришиб, хаёлимда ажиб бир манзара гавдалангандек бўлди.

"Дунё тор" деганларича бор", дея ўйланиб қолдим. Шоир айтмоқчи, "Қуванинг анорича келадиган" митти сайёрамизнинг қай бир бурчида нелар содир бўлаяптию,бизнинг мусаффо осмонимиз остида нималар бўляпти? Қиёслашнинг ҳожати бўлмаса керак! Инчунин, бундай саодат ҳар қандай халққа ҳам насиб этавермайди.Бобом раҳматли "Худо деган халқмиз" дегувчи эдилар.Илоҳим,ҳамиша шундай бўлсин!

Бозорлари ноз-неъматларга тўлиб-тошган, маҳалла-кўйларида карнай-сурнай садолари янграб турган,болалари шодон қийқириб ўйнаб юрган бунақа юртни жаҳон харитасининг ҳамма бурчакларида ҳам учратиш амру маҳол.Бу ҳам Мустақиллик самарасидан, албатта.

Шу хаёллар билан ташқарига чиқдим.Ҳаво тоза.Осмон мусаффо.Майин шаббода эсиб турарди.Кўк юзида бодраб ёна бошлаган митти юлдузларга тикилиб турарканман, беихтиёр хаёлимдан "шу юлдузлар дунёнинг тўрт томонидан ҳам кўзга ташланса керак,лекин юлдузлар бир хил кўрингани билан улар остидаги ҳаёт, уларга нигоҳ ташлаган кишиларнинг туриш-турмуши ҳар хил кечаркан-да", деган фикр йилт этиб ўтди.

Осмоннинг аллақайси бурчида самолётнинг гулдираган товуши қулоққа чалинди. "Ким билсин, у қаердан учиб келаётганийкан?-ўйладим мен. Парижданми, Лондонданми? Бунинг нима фарқи бор, аслида...

Лекин бир нарсага аминман. Ҳозир айни шу лаҳзаларда ёқимтойгина самолёт бекаси йўлакчага чиқиб, "Азиз меҳмонлар! Бизнинг ҳаво кемамиз бир неча дақиқалардан сўнг Ўзбекистон Республикасининг пойтахти Тошкент шаҳри аэропортига қўнади!" деган сўзларни эълон қилаяпти. Ажнабий меҳмонлар эса самолёт иллюминаторларидан ҳайрат ила ташқарига, миллионлаб чироқлар нурига чўмилиб ётган ям-яшил шаҳарга тикиладилар.

Бу хали ҳайратнинг бошланиши.

Ҳали уларни Самарқанд Регистони-ю, Бухоро миноралари, Тошкент фавворалари-ю, Хиванинг қадимий меъморий обидалари кутиб турибди.

Ҳали улар республикамизнинг Мустақилликдан кейин бор-йўғи 7 йил ичида шунчалар равнақ топиб бораётганига,ер юзида ЎЗБЕКИСТОН дея аталмиш Мустақил, Ҳуқуқий-демократик давлат дунёга келаётганига шоҳид бўладилар. Ҳақиқий ҳайрат ана ўшанда,- тўғрироғи, эртага,тонготарда юртдошларимизнинг чеҳрасида нур, лабларидаги табассумни кўрганларида содир бўлади.

Менинг бунга ишонгим келади.Шундай бўлиши аниқ.

Ушбу ёзувлар қоғозга тушаётган пайтда негадир "Бу буюк бир саодат эрур" деган сўзлар хаёлимга ўрнашиб қолди. Бу сўзлар ҳар бир ўзбекнинг дил-дилига ўрнашиб, муҳланиб қолган сўзлардек туюлди менга.

Зеро биз бўсағасида турган, эрта-индин 7 йиллиги нишонланадиган Мустақиллигимизнинг "БУЮК САОДАТ" эканлигига юртдошларимиз аллақачон амин бўлишган.

Зотан, Саодатни на ўлчаб, на тортиб бўлади. Айниқса, аждодлар орзу қилган Буюк Саодатга сен мушарраф бўлиб турган бир палла́да уни тўла-тўкис таърифлашга ҳам сўз ожизлик қилиб қоларкан.

Саодат асли оламга сиғмагувчи,айни чоғда одам боласининг муштдеккина юрагига жо бўлгувчи ана шундай сирли ва сеҳрли бир ҳиссиётдирким,унинг замирида халқимизнинг кечаги,бугунги ва эртанги куни ўз ифодасини топгандек туюлади, кишига.

Шу боисдан ҳам мен ушбу ёзувларимни шундай номлагим келди:

"БУ БИР БУЮК САОДАТ ЭРУР..."

**Эркин УСМОНОВ.**

## САРА УРУҒ ЕТИШТИРИЛАДИ

***Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида уруғчилик муаммоларига бағишланган семинар-кенгаш бўлди. Унда институтнинг вилоятларда жойлашган бўлимларида иш олиб бораётган олимлар, тажрибали пахтакорлар иштирок этди. Сара уруғлик етиштириш, уни навбатдаги экин мавсумигача мақбул жойларда сақлаш, ернинг мелиоратив ҳолатига қараб ғўза навларини мослаштириш каби масалалар муҳокама қилинди. Семинар-кенгаш иштирокчилари институтнинг тажриба майдонларида бўлиб, фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдирлар.***

**Ўз мухбиримиз.**



**— Иш яхши ташкил этилган жойда натижа ҳам салмоқли бўлади, - дейди Тойлоқ туманидаги «Жумабозор» ижара хўжалиги сут-товар фермаси бош чўпони Тўйчи Азимов (юқоридаги суратда). Фермада бўлсангиз ҳақиқатдан ҳам бу гапларнинг исботини кўрасиз. Қорамолларга қаров яхши. Шу сабаб ҳам Мунаввара Узоқова (пастда) сингари илғор сут соғувчилар ўзига бириктирилган ҳар бош сигирдан йил давомида 3400 килограммдан ошириб сут соғиб олаяпти. Жамоанинг юзини ёруғ қилаётганлар ҳам шулар-да.**

**Р. СОДИҚЗОДА олган суратлар.**



## ЖАМИЯТ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ

***Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жамиятни бошқаришнинг оқилона тизимлари ишлаб чиқилди. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тўғрисида»ги Қонун ва Фармонлар, қарорлар жамиятимиз ҳаётини тубдан ўзгартиришга хизмат қилаяпти.***

***Аҳолининг ўзини-ўзи бошқариш органлари мустақил мамлакатимиз чинакам демократик жамият қуриш йўлидан илдам бораётганини кўрсатади. Улар маҳаллий давлат ҳокимияти тизимида ўзига хос янгиликдир. Эндиликда ҳаёт тарзимиз бутунлай ўзгача асосларда қурилаётир.***



## МАҲАЛЛА — ТАРБИЯ МАСКАНИ

Ҳар бир фуқаро, оиланинг жамиятда ўз ўрни бор. Оилалардан ташкил топган маҳалла эса бутун бошли мамлакатнинг бошланғич бўғини, муҳим устунига айланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маҳалла ҳаракатининг бугунги ва келажак ишларига, ислоҳотлар жараёнига қўшаётган ҳиссасига юксак баҳо бериб келаяптилар. Жумладан, юртбошимиз халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг сессиясида бу ҳақда тўхталиб: «Ўз-ўзини бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига жуда хос бўлган усули — маҳаллалар тизими сўнгги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бормоқда. Улар амалда ўз ҳуқуқларидаги барча ишлар учун масъулдирлар. Зеро, маҳалланинг қўлидан келмайдиган иш йўқ», дегандилар.

Кўриниб турибдики, ҳукуматимиз маҳаллаларга катта эътибор билан қараяпти, Тошкент маҳаллаларида айниқса, Эски шаҳар қисмида кенг, чароғон кўчалар бунёд этилди. Уларда замонавий, ҳамма қулайликларга эга турар жой бинолари қад кўтарди, транспорт ҳаракати яхши йўлга қўйилди. «Маҳалла» жамғармасининг ташкил этилиши, пойтахтимизда ишлаб чиқилган махсус Маҳалла дастури кўпгина муаммоларни изчил ҳал этишга кўмаклашмоқда.

Демак, ҳар бир фуқаро ўз орзу-умидларини, эзгу мақсадларини маҳаллада бафуржа амалга ошириши мумкин. Фуқаролар маҳаллага исталган таклифлар билан мурожаат этишса, ишлари асосан шу ерда битади. Маҳалла дегани ҳашаматли бинода жойлашган маъмурий-буйруқбозлик идораси эмас, билакс, ҳар куни кишилар кўз ўнгида, ўзлари сайлаб қўйган оқсоқол иш юритадиган маскан. Маҳалла оқсоқоли ўз маслаҳатчилари, фаоллари билан кенгашиб маълум бир тўхтамга келади. Кўтарилган масала имкониятга қараб ўша ернинг ўзида ҳал этилиши мумкин, ёки оқсоқол йиғин номидан исталган ташкилотга, маҳаллий ҳокимиятга мурожаат қилади. Албатта, қонунга биноан маҳалла оқсоқолининг мурожаати расмий равишда қабул қилинади, шароитга қараб масала ижобий ҳал этилади.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар давлат ишларини бошқаришда ҳам қатнашмоқда. Буни маҳаллаларнинг сайловларда тўла қатнашаётгани билан ҳам изоҳлаш мумкин. Ҳозирги амалдаги қонунларга биноан улар номзодлар кўрсатишлари ҳамда сайланишлари мумкин. Маҳалла ҳудудидаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг оталиқ ёрдамлари, кичик корхоналар фаолияти йиғин томонидан назорат қилиниши кўзда тутилган. Кўча, майдон, бекат, хиёбон ва бошқа жойларнинг номларини ўзбошимчалик билан ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Илгари қайси маҳаллада қайси кўчанинг номини ўзгартиришни халқдан сўраб ҳам ўтиришмасди, натижада, кўчалар, бошқа жой номлари мутлақо бегоналашиб кетганди. Эндиликда маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг чегаралари ўзгартирилишидан тортиб, бирор кўча, майдон, хиёбон ва бошқа жойларнинг номларини ўзгартиришгача бўлган муаммоларни аввало фуқаролар йиғини, маҳалла баҳамжиҳат, бамаслаҳат ҳал этаяпти, тегишли давлат органларига таклифларини маълум қилмоқда.

Оқсоқол маҳалла ҳаётининг барча жабҳаларига фаол аралашади. Хусусан, дўконлар, ошхоналар, чойхоналар, бозорларда савдо қоидаларига риоя этилиши, фуқароларга маданий хизмат кўрсатилиши устидан жамоатчилик назорати ташкил этилмоқда. Фуқаролар манфаатини кўзлаб, қонун доирасида ҳаракат қилаётган маҳалла оқсоқолларига ва унинг фаолларига монелик қиладиган, халақит берадиган «ғов»лар олиб ташланди.

Эл-улус орасидан етишиб чиққан оқил ва зукко, хушмуомала, тадбиркор, эътибор қозонган киши ўз маҳалласига оқсоқол бўлиши мумкин. Гапни сирасини айтганда, ҳозирги кунда аксарият маҳалла оқсоқоллари ҳақида шундай илиқ фикр айтиш мумкин. Улар юксак ишончга сазовор бўлганликлари учун халқ томонидан сайланганлар. Азал-азалдан халқ ўзига муносиб оқсоқол танлайди.

Шу ўринда маҳалла оқсоқолининг чинакам ҳақ-ҳуқуқлари қадим замонлардан бери табиий равишда шаклланиб келганини ҳам эътироф этиш зарур. Маҳаллада оқсоқол учун «бегона» хонадон ё «нотаниш» киши бўлмаган. Шунинг учун ҳам ҳамма хонадонга бемалол эшик қоқиб кираверган. Маҳалладошлар билан деярли сирдош, ҳамфикр бўла олган. Оиладаги муаммоларни ҳал этишга бемалол киришиб кетаверган. Қадимдан маҳалла оқсоқолининг ҳақ-ҳуқуқлари шу тарзда шаклланиб келган. Ҳозирги пайтда ҳам маҳалла оқсоқолининг ана шундай табиий муносабатлари ҳаётда ўз аксини топмоғи жоиз. Ким қайси хонадонда яшайди, нима иш билан шуғулланади, қайси фарзанди нималарга қодир, оилада муҳит қандай, муаммолар борми, хуллас, ҳамма-ҳаммасини оқсоқол яхши билиши зарур.

Кимдир янги иморат қуриш тараддудида, бошқа биров тўй қилиш ташвишида. Хуллас, ҳар бир оиланинг ўзига яраша ташвиши бисёр. Маҳалла оқсоқоли бўлса, ҳамиша ана шу ташвишларга шерик. Ҳашар уюштириш борми, бировнинг тўйи ё бошқа маъракасини ўтказишми, ҳамма ҳаммасига бош-қош.

Маънавиятни ҳеч қачон ўлчов билан ўлчаб бўлмагани каби маҳалла оқсоқолининг вазифалари, ҳақ-ҳуқуқларини бирма-бир санаш, таърифлаш қийин. Зотан, оилада отанинг ўрни ва роли қай даражада бўлса, маҳаллада оқсоқолнинг ҳам нуфузи, мартабаси шунча юқори.

Жорий йилнинг апрелида юртбошимизнинг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Бу муҳим ҳужжат фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар раислари ва котибларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини, масъулиятларини янада ошириш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда моддий қўллаб-қувватлашни кўзда тутади. Шунингдек, Фармон вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимларини маҳаллалар ва фуқаролар йиғинларининг фаолият самарасини янада оширишга, уларга бу ишда мақсадли ва изчил кўмаклашишга жиддий йўналтиради. Фармонга биноан маҳаллалар раислари ва котибларининг маошлари оширилди ва улар айни вақтда нафақаларини тўла миқдорда оладиган бўлишди. Унинг яна бир эътиборли тарафи шундаки — жойлардаги жамоат ташкилотлари иш фаолиятларини маҳаллалар билан узвий боғлаган ҳолда олиб боришлари лозимлиги алоҳида таъкидланган. Тошкентда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармасининг II ҳисобот-сайлов конференциясида ҳам ушбу масалалар кун тартибида бўлди. Республика «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви ва унинг жойлардаги бўлимлари ҳаётнинг турли соҳаларида муайян ишлар қилаётганлиги, ютуқлар таъкидланди. Лекин, ҳануз ҳал этилмаган муаммолар талайгина. Жамғарма бўлим ва бўлинмалари жойларда маҳаллалар билан муносабатларини ва ҳамкорлигини яқинроқ, мустаҳкамроқ қилишлари, бу боғлиқликни самарасини оширишлари, маънавий-маданий ва тарбиявий фаолиятларини кучайтиришлари, уни бугунги кунда қўйилаётган талаблар даражасига кўтаришлари лозим. Ёшлар билан хусусан, уларни маънавий-ахлоқий ва диний тарбияси соҳасида кўп ишлар қилиниши лозим. Бунга республика миқёсида ва жойларда маҳалла йиғинлари оқсоқоллари (раислари) билан бўлиб ўтган аттестациялар вақтида ҳам диққат-эътибор қаратилди. Мутасадди шахслар ва маҳалла йиғинлари тегишли ижобий сабоқ ва хулосалар қилиб олишди. Бугунги кунда маҳалла йўлбошчилигини ватанпарварлик ҳис-туйғуси юқори ривожланган, жамият муаммоларини ва давлат сиёсатини тўғри тушуниб, уларнинг аниқ кўринишларига тўғри ечим топиб, фуқароларга етказадиган маърифатли, ташаббускор кишилар қўлига бериш керак.

Зотан, ўзбек хонадонларида, шунингдек, кўплаб маҳаллаларда чинакам шарқона муносабатлар, муомала маданияти, халқчил удум ва урф-одатлар сақланиб қолган. Бу ҳол республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг қайтадан ривож топди.

Республика раҳбарияти олиб бораётган изчил сиёсатни, Фармон ва қонунларни халққа тушунтириш, кенг миқёсда тарғибот, ташвиқот ишлари олиб бориш керак. Халқ чинакам тушуниб, қабул қилган ҳужжатларгина қадрли ва таъсирчан бўлиши аниқ. Бу жараённинг муваффақиятли бўлиши маҳаллий ҳокимиятларга, уларнинг қуйи бўғинлари — маҳаллаларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Дарҳақиқат, маҳалла фаоллари қизғин ва жиддий ҳаракат қилаётган жойда кўплаб муаммолар ижобий ҳал этилмоқда. Хусусан, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолининг кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож қисмини ижтимоий ҳимоялаш борасида талайгина хайрли ишлар амалга оширилаяпти. Маҳалла фаоллари саъй-ҳаракатлари туфайли миллий истиқлол мафкурасининг ўзига хос шаклу тамойили вужудга келмоқда. Яъни, маҳаллаларда шарқона таълим-тарбия, тушунтириш ишлари мунтазам олиб борилаётир.

Ҳозир кўпчилик маҳалла қошида маҳалла гузарлари, кичик корхоналар, қўшма корхоналар, маиший хизмат бўлимлари, умумий овқатланиш, хусусий корхоналар, новвойхона, сартарошхоналар очилиб, кенг халқ оммасига фаол хизмат кўрсатмоқда. Мана шундай маҳаллалар сирасига Тошкент шаҳридаги «Янгиариқ», «Хувайдо», »Дўстлик», «Ўзбекистон мустақиллиги», «Бошлиқ», «Иттифоқ» ва бошқа кўпгина маҳаллаларни киритишимиз мумкин.

Шубҳасизки, ижтимоий ва тарбиявий вазифаларни ҳал этишда маҳалла жамоатчилигининг роли узлуксиз ошаяпти, айни вақтда демократия ва ошкоралик ривожланаётган бир шароитда аҳолини маънавий-сиёсий жипслиги мустаҳкамланмоқда. Ўзбекистон келажаги буюк давлат, деган улуғвор шиорга ана шу саъй-ҳаракатлар ҳамоҳанг бўлмоқда.

**Шуҳрат МАҲМУДБЕКОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси профессори, тарих фанлари доктори.**

Ўзбекистон — Очиқ Жамият Институти

"САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ СОҲАСИ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛАДИГАН САФАРЛАР ГРАНТИ"га

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

*Танловда Ўзбекистон фуқаролари - бадиий ижод зиёлилар вакиллари:*

- *халқ амалий санъати усталари ва рассомлар*
- *созандалар (мусиқа санъати усталари)*
- *театр ва кино артистлари*
- *режиссёрлар*
- *безакчилар (дизайн)*
- *меъморлар*
- *турли соҳа санъатшунослари*
- *олий ва ўрта ижодий билим юртлари талабалари*

*ҳамда яқин ва узоқ хориждаги мамлакатларнинг бирон нотижорат бадиий-ижодий кўригида (тадбирида) иштирок этишга таклиф қилинган шахслар қатнашишлари мумкин.*

*Дастур қуйидаги фаолият турларини қувватлайди:*

- *кўргазма*
- *пленэр*
- *фестиваль*
- *намойиш*
- *концерт*
- *танлов*
- *малакали уста-арбоб суҳбати (мастер-класс)*
- *сабоқ олиш (стажировка)*
- *санъатшунослар анжуман-семинари ва бошқалар.*

*Дастур фақат шахсий ташабусга (заявка) мўлжалланган бўлиб, сафар муддати 15 кундан ошмаслиги ва 2500 АҚШ доллари сарфи билан чекланиши керак.*

*Танловдан ўтган шахс: йўловчига муҳтож бўлса (агар бу шахс балоғат ёшига етмаган ёки яна битта иштирокчи зарур тақдирида), унга ажратиладиган сарф умумий чиқимга қўшилади ва 3000 АҚШ долларини ташкил этади.*

*Ушбу эълон эътибори билан **1998 йил 1 октябрдан 31 декабргача** давом этадиган тадбирларга мурожаатномалар қабул қилинади. Мурожаатномалар ушбу эълон нашр қилинган муддатдан **1998 йил 10 сентябрь соат 17:00 га қадар** давом этади. Шундан сўнг Ўзбекистон ОЖИ "Санъат ва маданият" Эксперт Комитети томонидан берилган мурожаатномалар кўриб чиқилади.*

*Танлов-конкурсда иштирок этиш учун мурожаатнома варақаси тўлдирилиши ва керакли ҳужжатлар топширилиши шарт. Мурожаатнома варақаси ва танлов-конкурс шартлари ҳақидаги ахборотларни Очиқ Жамият Институтидан олиш мумкин.*

**Манзилгоҳ: 700070, Тошкент шаҳри, Ивлев кўчаси, 41-уй,**
**(мўлжал: "Океан" магазини, Усмон Носир кўчасидаги турк коллежи)..**
**Тел./факс: (3712) 55-61-60, 40-68-54, 54-82-43.**
**Электрон почта: <osi@osi.freenet.uz>**

875

Republican Trade and Exhibition Centre
UZEXPOCENTRE

МИНИТЕХ-98

*Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги*

**Сизни**

**"ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ИХЧАМ УСКУНА ВА МИНИТЕХНОЛОГИЯЛАР"**

*халқаро кўргазмасига таклиф этади.*
*Кўргазма 1998 йил 24—27 август кунлари РСКМ "Ўзэкспомарказ" 4-павильонида бўлади.*
*Манзил: Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 107.*

**Кўргазманинг ишлаш вақти:**

| | |
|---|---|
| 24 август-соат | 12.00-18.00 |
| 25-26 август-соат | 10.00-18.00 |
| 27 август-соат | 10.00-15.00 |

*Кўргазмада Болгария, Япония, Туркия, Италия, Хитой, Олмония ва бошқа давлатлар минитехнологиялари ва ихчам ускуна намуналари намойиш этилади. Кўргазмада Исроил давлатининг миллий бўлимида 15 дан зиёд фирмалар иштирок этадилар.*

866

Қишлоқ мулкдорлари

## ҚЎЛИ ОЧИҚНИНГ НАСИБАСИ УЛУҒ

Кечагина иш бошлаган деҳқон-фермерларнинг аксарияти бугун қўлини қаёққа узатса ўша томонга етгудай бўлиб қолди. Уларнинг ўзларидан орттириб, хорижнинг серунум технологиясини харид қилаётганлиги, айни пайтда қўшниларга ёрдам ҳам бераётганлиги, айниқса қувончлидир.

«Оқсув» деҳқон-фермер хўжалигининг раҳбари Алижон Аҳмедовнинг номини Қўрғонтепа туманидагина эмас, балки бутун вилоятда яхши билишади. У бу ҳурматга чорвачиликни фойда келтирувчи соҳага айлантириш, ҳамқишлоқларини гўшт, сут, қатиқ билан таъминлаш, қўшни жамоаларнинг оғирини енгил қилиш билан эришди. «Оқсув»ликлар тасарруфида 150 бош наслли қорамол мавжуд. Аниқ рацион бўйича парвариш қилинаётган говмушлар маҳсулдорлиги кун сайин ортиб бораётир.

Фермерга «Дардоқ» ижара хўжалигидан 42 гектар ер ажратиб берилган. Деҳқон-фермерлар ана шу майдоннинг 17 гектарида буғдой, 13 гектарида беда, қолган 6 гектарида маккажўхори ҳамда сабзавот экинлари парвариш қилмоқдалар. Буғдойдан кутилганидан зиёд ҳосил олинди ва бўшаган майдонларга такрорий экинлар экилди.

«Оқ-сув»ликлар лизинг асосида уч миллион 468 минг сўмга хорижнинг «Марель-125» русумли ўт ўриш комбайнини харид қилган эди. Комбайн ўзининг серунумдилиги билан фермерларга катта фойда келтирди. Алижон уни даласида ишлатиб бўлгач, қўшниларига ёрдамга берди. Натижада катта майдонлардаги дағал хашак, беда қисқа муддатларда йиғиштириб олинди. Унинг бир қисми қишда фойдаланиш учун жамғариб ҳам қўйилди.

— Ўтган йили 1 миллион 300 минг сўм даромад қилган эдик, — дея ҳикоя қилади фермер. — Унинг қарийб 30 фоизини ана шу «Марель» туфайли қўлга киритдик.

Ёрдамни ҳамма ҳам қилавермайди. Бундай фазилат қўли очиқ, ҳиммати баланд, бели бақувват инсонларгагина хосдир. Шу жиҳатдан олиб қараганда Алижон Аҳмедовдан кўплар ибрат олса арзийди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

